

13-Мавзу: Қишлоқ хўжалигидаги харажатларини камайтириш.

Режа:

1. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар), унинг турлари ва аниқланиш тартиби

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарх даражаси, динамикаси ва харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар таннархларини пасайтириш йўллари

1. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча (ўртача харажатлар), унинг турлари ва аниқланиш тартиби

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлар, корхоналар миқёсида умумий қиймат кўрсаткичлари билан биргаликда ўртача харажатлар, яъни таннарх кўрсаткичи ҳам фаолият кўрсатиши тақозо этилади. Таннарх бозор иқтисоди шароитида иқтисодий категория ҳисобланади. Унинг ёрдамида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг бир бирлиги хўжаликлар учун қанча сўмга тушганлиги аниқланади. Уларнинг даражаси қийматни ифодаловчи баҳолар даражаси билан таққосланиши натижасида олинган фойда ёки кўриладиган зарарлар даражаси аниқланади. Бу кўрсаткич хўжаликларнинг ички бошқарувчилари учун жуда муҳимдир.

Ҳозирги даврда маҳсулот (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Таннарх деганда бир бирликдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажариш учун сарфланган моддий, меҳнат, пул харажатлари назарда тутилади. Унинг мутлақ (абсолют) даражасини аниқлаш учун барча бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси шу харажатлар ёрдамида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот миқдорига тақсимланади. Қишлоқ хўжалигида 1 с. маҳсулотнинг нархи; 1 эталон гектарнинг; 1 тонна-км нинг; 1 квт/соат электроенергиянинг таннархи аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$T_n = \frac{\sum I_x}{\sum M_m(I_m, X_m)} ;$$

Бунда: T_n – маҳсулот, иш, хизмат таннархи, сўмда;

$\sum I_x$ – ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси, сўмда;

$\sum M_m(I_m, X_m)$ – ялпи етиштирилган маҳсулот, жами бажарилган иш, хизматлар миқдори сен., тоннада, эталон гектарда, тонна км ва бошқалар.

Етиштирилаётган маҳсулотларнинг:

- ишлаб чиқариш таннархи;
- тўлиқ таннархи, тижорат таннархи ҳам аниқланади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш усули юқорида келтирилган. Унинг тўлиқ ёки тижорат таннархи жами харажатларни (жумладан, сотиш харажатлари билан) етиштирилган ялпи маҳсулот миқдорига ёки сотиладиган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар) нинг ҳақиқий ҳамда режа таннархлари аниқланади. Ҳақиқий таннарх даражаси йил якунидаги маълумотлар ёрдамида ҳисобланади. Режа таннархи эса нормативлар, эришилган маълумотлар асосида аниқланиб, «Бизнес режа»да акс этирилади.

Қишлоқ хўжалигида барча харажатларни амалга ошириш натижасида турли хилдаги асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотлар олинади. Жумладан, пахтачиликда пахта хомашёси асосий маҳсулот ҳисобланса, ғўзапояси қўшимча маҳсулот саналади. Дончиликда дон асосий, сомони (пояси) қўшимча маҳсулотдир. Қорамолчиликда ғўшт, сут асосий, бузоқ қўшимча, гўнг эса ёрдамчи маҳсулот ҳисобланади. Лекин тармоқдаги барча харажатлар асосий маҳсулотни этиштиришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда 12.3.1-чизмада акс эттирилган объектлар таннарх объектлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида этиштирилаётган асосий, қўшимча ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархлари қуйидаги усулларда ҳисобланади:

Масалан, дончиликда қўшимча маҳсулотлар белгиланган коэффициентлар ёрдамида асосий маҳсулотларга айлантирилади. Уларни асосий маҳсулотларнинг миқдориغا қўшиб, жами ялпи дон маҳсулотининг шартли миқдори аниқланади. Шартли маҳсулот таркибидаги асосий ҳамда ёрдамчи маҳсулотларнинг шартли миқдори салмоғи аниқланади. Шундан сўнг жами ишлаб чиқариш харажатларидан шартли маҳсулот салмоғига мутаносиб равишдаги салмоғи ҳисобланиб, уларнинг умумий суммаси аниқланади. Шу аниқланган сумма асосий маҳсулот миқдориغا тақсимланиб, асосий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади. Шартли ёрдамчи маҳсулот ҳиссасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларини ёрдамчи маҳсулотнинг ҳақиқий миқдориغا тақсимлаб, ёрдамчи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи аниқланади.


Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўзини оқлаган «Директ-костинг» тизимини Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этиш йўли танланган.

«Директ-костинг» тизимининг моҳияти шундан иборатки, бунда жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратилади ва маржинал даромад миқдори аниқланади. Ушбу тизимда маҳсулотлар таннархи фақатгина тўғри (ўзгарувчан) харажатлар чегарасида аниқланади. Маҳсулотларни сотишдан келган пул тушуми билан уларнинг харажатлар бўйича таннархини таққослаш натижасида хўжаликнинг маржинал даромадини аниқлаш мумкин. Маржинал даромаддан доимий харажатларни айириш орқали хўжалик маҳсулот сотиш натижасида олган соф фойда аниқланади. Ушбу услубнинг моҳияти 12.3.2 чизмаларда ифодаланган.

Маржинал-костинг услубини республикамиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш натижасида этиштирилаётган маҳсулотларнинг реал, аниқ ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблаш имкони пайдо бўлди. Бу молиявий ҳисоб учун жуда зарурдир. Лекин бошқарув ҳисоби учун бу услубнинг маълумотлари этарли эмас. Чунки бошқарув ҳисоби учун фақатгина ишлаб чиқариш таннархи эмас, балки тўлиқ танарх кўрсаткичи ҳам зарур. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида харажатларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун уларнинг бошқариш самарадорлигини оширишда абзорбшн-костинг услубини қўллаш мақсадга мувофиқди. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда барча харажатлар маҳсулотнинг тўлиқ таннархини шакллантиради. Унинг мазмуни 12.3.3-4 чизмаларда ифодаланган. Маҳсулот харажатлари ва таннархини ўрганиш бошқарув ҳисобининг муҳим бўлимларидан биридир.

Меҳнат ва моддий кўринишидаги тўғри харажатлар бевосита аниқ бир маҳсулот ёки хизмат турига оид бўлиши, умумишлабчиқариш харажатлари маҳсулот турига қараб фақат маҳсул усуллар ёрдамида тақсимланиши мумкин.


объектига бориш жараёнидир.




12.3.1-чизма. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи объектлари

12.3.2-чизма

Харажатларни тақсимлаш услублари




Харажатларни тақсимлашнинг маржинал-костинг услуби



12.3.4-чизма

Абзорбшн-костинг услуби

Маҳсулотлар таннархларини ҳисоблашда таъкидланган маржинал-костинг ва абзорбшн-костинг услублари асосида турли хилдаги усуллар қўлланиши мумкин. Ушбу усуллар 12.3.5-чизмада ифодаланган.



12.3.5-чизма

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш усуллари

Ушбу усулларнинг ижобий томонларини бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулотлар таннархларини ҳисоблаш жараёнида татбиқ этиш зарур.

Харажатларни тақсимлашнинг муҳим категорияси бўлиб, харажатлар маркази ҳисобланишини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Харажатлар маркази – ташкилий бирлик ёки фаолият соҳали бўлиб, у эрда активлар хариди учун қилинган чиқимлар ва харажатлар ҳақида ахборот тўплаш мақсадга мувофиқдир.

• Барча харажат гуруҳлари бошқарув эчимларини қабул қилишга мўлжалланган. Бошқарув ҳисобида харажатлар икки асосий объект гуруҳлари бўлинмалар ва маҳсулотлар бўйича тақсимланиши керак. Ушбу жараён икки босқичда амалга оширилади:

- харажатлар жавобгарлик марказлари бўйича тўпланади;

- харажатлар муайян бригадада этиштираётган аниқ маҳсулот таннархига тақсимланади.

Тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблашда қуйидаги усулларга мурожаат қилишади: ҳамма харажатларни ҳисобга олган ҳолда харажатларни калкуляция қилиш ёки уларнинг бир қисми бўлган ўзгарувчан харажатларнигина ҳисобга олиб, калкуляция қилиш мумкин.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарх даражаси, динамикаси ва харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар таннархларини пасайтириш йўллари

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Фермерлар Уюшмаси тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналари турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш, ишлар ва хизматларни бажариш жараёнида материал, пул ва меҳнат сарфламоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу харажатлар йил сайин ошиб бормоқда.

-бошоқли дон айниқса буғдой экинларининг экин майдонларини кўпайиши;

-бошоқли дон маҳсулотларини этиштириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг яъни ёқилғиларнинг, минерал ўғитларнинг, меҳнат ҳақининг юқори суратларда ошиши ва бошқалар.

Республикада пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар ҳам шу йилларда 21.2 фоизга ошиб, 2010 йилда 1418.5 миллиард сўмни ташкил этган.

Республикада бошоқли дон маҳсулотларини этиштириш билан боғлиқ бўлган барча турдаги харажатлар таркибига меҳнатга тўланган ҳақ ажратмалари билан 2010-2011 йилларда 14.4 фоиздан 15.6 фоизга ошган, уруғлик харажатлари эса 12.6 фоиздан 14.8 фоизга, сарфланган барча кимёвий воситалар харажати эса ошмаган ҳолда 24 фоизни ташкил этган. Муқобил машина трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатлар салмоғи 17.2 фоиздан 18.7 фоизга ошган, ёқилғи мойлаш материаллари билан боғлиқ бўлган харажатлар салмоғи 15.9 фоизга тўғри келган.


Демак мамлакат қишлоқ хўжалигида бошоқли дон этиштириш учун қилинаётган барча харажатларнинг таркибида асосий қисмини яъни 87 фоизини (2010 йил) юқорида кўрсатилган харажатлар ташкил этган (12.4.1-чизма).

2010 йилда бошоқли дон маҳсулотларини этиштиришда сарфланаётган ишлаб чиқариш харажатлари элементлар бўйича вилоятлар миқёсида маълум даражада фарқ қилган. Масалан, меҳнатга тўланган иш ҳақининг салмоғи ажратмалари билан Навоий вилоятида 11.7 фоизни ташкил этган бўлса, Наманган, Тошкент вилоятларида 18-19 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида қарийб 25 фоизга тенг бўлган.

Кимёвий воситалар билан бўғлиқ бўлган харажатлар салмоғи Тошкент, Наманган вилоятларида жами харажатларнинг 13-15 фоизини ташкил этган бўлса, Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларида 27-29 фоизни ташкил этган. Ёқилғи ёғлаш материалларига қилинган харажатлар салмоғи ҳам Бухоро, Хоразм вилоятларида жами харажатлар таркибида 10.4 фоизга тенг бўлса, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида 19 фоизга, Наманган вилоятида эса 21 фоизга тенг бўлган. Муқобил МТПлар кўрсатган хизматлари билан бўғлиқ бўлган харажатлар ҳам вилоятлар бўйича сезиларли даражада фарқ қилган.

12.4.1-чизма.

Республикада бошоқли дон етиштириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари элементларининг салмоғи.



Жиззах, Сирдарё вилоятларида у ташкилотларнинг кўрсатган хизматлари эвазига қилинган харажатлар жами харажатлар таркибига 9.4-14.2 фоизга тенг бўлган ҳолда Наманган вилоятида 22.3 фоизга, Қашқадарё вилоятида 27.3 фоизга тенг бўлган.

Мамлакатда бошоқли дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сарфланаётган харажатларни вилоятлар бўйича фарқ қилишига асосан қуйидаги омиллар таъсир этган:

- суғориладиган экин майдонларининг салмоғи ва уларнинг мелиоратив ҳолати;

- маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларининг ихтисослашганлиги, экин майдонларининг оптималлашганлиги;

- фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги ва уларнинг нархларини даражаси ва бошқалар.

Республикада пахта хом ашёсини етиштиришда сарфланаётган харажат элементлари таркибида 32.4 фоизни меҳнат ҳақи харажатлари ажратмалари билан ташкил этган (2009 йил), кимёвий воситаларга қилинган харажатлар салмоғи 24.2 фоизни, ёқилғи мойлаш материаллари харажати эса 19.4 фоизни ташкил этган. Бу соҳада фақатгина шу учта харажат элементлари жами харажатларнинг 76 фоизини ташкил этган.

Пахтачиликда муқобил МТП харажатлари 8.6 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби кўпчилик фермер хўжаликлари шу соҳага ихтисослашганлиги муносабати билан зарур бўлган техника воситаларига эга эканлиги.

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатлар суммасини ошиши оқибатида бир гектар экин майдонига сарфланаётган харажатлар ҳам йил сайин ошиб борган. Агар 2010 йилда бир гектар бошоқли дон маҳсулотлари етиштирилган экин майдонига республика бўйича 471 минг сўм сарфланган бўлса, 2009 йилда 810.2 минг сўм ёки 72 фоизга кўп сарфланган. Масалан Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бир гектар бошоқли

дон етиштирилган майдонга 513-662 минг сўм сарфланган бўлса, Хоразм ва Андижон вилоятларида 1100-1150 минг сўм сарфланган.

Шу даврда бир гектар пахта хом ашёси йетиштирилган экин майдонига қилинган харажатлар суммаси республикага 31,1 фоизга ошиб 2009 йилда 1059 минг сўмни ташкил этган. Бир гектар пахта хом ашёси йетиштирилган экин майдонига Қорақалпағистон республикасида 661 минг сўм, Жиззах, Сирдарё вилоятларида 851, 882 минг сўм сарфланган ҳолда Хоразм ва Андижон вилоятларида 1321, 1290 минг сўм сарфланган. Харажатларнинг ошиши ўсимликчиликнинг бошқа тармоқларида ҳам содир бўлган. 2006-2009 йиллар давомида картошқачиликда харажатлар 69.3 фоизга, сабзаводчиликда эса 68.4 фоизга ошган.

Мамлакат ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 46.47 фоизини (2009 йил) яратаётган тармоқ ҳисобланган чоквачиликда ҳам 2006-2009 йилларда ялпи харажатлар суммаси йил сайин ошиб борган. Тармоқда жами харажатлар таркибида ем-хашак яни озуқа материаллари харажатлари шу даврда салкам 5 фоизга ошиб 79.8 фоизни ташкил этган.

Лекин энг асосий харажатлар ем-хашак ва иш ҳақи билан ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот сарфларига тўғри келган. Бу соҳада ҳам юқорида кўрсатилган элементлар бўйича харажатлар ортган.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш, ишлар, хизматлар бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ортиши натижасида йетиштириладиган маҳсулотларнинг таннархлари (ўртача харажатлари) ҳам ортган. Қишлоқ хўжалигида сарфланган харажатлар ўсиши билан етиштирилган маҳсулотлар таннархларининг ўсиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Агар жами ишлаб чиқариш харажатлари 1997-2009 йилларда 9,7 мартага ошган бўлса, дон маҳсулотлари, пахта хомашёси, сабзавот, полиз маҳсулотларининг таннархлари 17-17,1 марта ортган.

Бу маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг асосий қисмини ташкил қилади. Лекин айрим чорвачилик маҳсулотлари бўйича таннарх юқори суръатлар билан ўсган. Жумладан, 1 сен. сутнинг таннархи 18,4 марта, тирик вазнидаги шунча гўштники 19,6 мартага, жунники эса 19,5 мартага ошган. Бу қилинган қўшимча харажатлар доим ҳам самарали бўлмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат харажатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган маҳсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун:

- деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тадбиркорлик билан оқилона, самарали фойдаланиб, барча ишларнинг вақтида, сифатли бажарилишини таъминлашга;
- экинларнинг тезпишар, кам сув талаб қиладиган, юқори ҳосилли, самарали навларини, уруғчиликни, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини ҳаётга иложи борича кўпроқ татбиқ этишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат корхоналарининг нархлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги номутаносибликни қисқартириш;
- харажатларни тежайдиган янги техника, инновацион самарали технологияларни жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялаштирилганлик, автоматлаштирилганлик даражасини ошириб, жонли меҳнат сарфини қисқартириш;

- ирригация, мелиорация ва химизация билан боғлиқ бўлган масалаларнинг сифатли ва самарали бўлишини таъминлаш;
- меҳнатни ташкил этишнинг самарали шаклларини ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлигини ошириш эришиш лозим. Шу тадбирларни амалга ошириш натижасида харажатлар суммасини нисбатан қисқартириб, маҳсулотлар миқдорини ошириб уларнинг бир бирлигини таннархини камайтиришга эришиш мумкин.

Таянч иборалар:

Жами харажатлар, харажат элементлари, моддалари, харажатларни туркумлаштирилиши, маҳсулот таннархи, (ўртача харажатлар)доимий харажатлар, ўзгарувчан харажатлар, маҳсулот таннархи турлари.

Қисқача хулосалар

Қишлоқ хўжалигини оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожлантириш ҳамда самарадорлигини юксалтириш учун маълум миқдорда моддий, маблағ ва меҳнат сарфлар талаб этилади. Улар ёрдамида ишлар, хизматлар бажарилиб, турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Бундай сарфлар доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат бўлади. Харажатлар иқтисодий элементлар, маҳсулот етиштириш технологик жараёнлари, муддатлари ва бошқа мақсадларга кўра туркумлаштирилади. Улар ялпи ва ўртача харажатлардан ташкил топади. Сўнгги йилларда ялпи ва ўртача харажатлар суммаси (миқдори) йил сайин ошиб бормоқда. Улар таркибида, айниқса, моддий-техника ресурсларига, озуқа материалларига йўналтирилаётган харажатларнинг салмоғи улкан.

Ялпи харажатларнинг ошиши натижасида маҳсулотлар бирлигининг таннархлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Келажакда ялпи ва ўртача харажатлар миқдорини камайтириш мақсадида тармоқдаги барча жараёнларни механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида экинлар ҳосилдорлигини, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириб, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш лозим.